Куч — адолатда

2013 йил
1 июн,
шанба
№ 22 (431)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг замонавий билим ва тараққиёт чўққиларини эгаллаши, ўз қобилият ва имкониятларини намоён этиши учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Бугун фарзандларимизнинг яхши шароитларда яшаши, ўқиши, илму ҳунар эгаллаши учун яратилган имкониятларга ҳавас қилса арзийди.

Буларнинг бари мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунларидан жисмоний ва маънавий етук авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланганги ва бу жараён тизимли равишда ҳаётга татбиқ этилаётганининг амалий натижасидир.

ҲАР БИР БОЛА МЕҲР ВА АРДОҚДА

Айтиш жоизки, мамлакатимизда болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишга қаратилган миллий қонунчилик асослари яратилган ва улар доимий равишда такомиллаштириб борилмоқда. Конституциямизда вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги белгиланган. БМТнинг "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги конвенцияси мамлакатимизда ратификация қилинган дастлабки халқаро ҳужжатлардан биридир. Шу асосда Ўзбекистон Республикасининг "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуни қабул қилинган.

Айниқса, вояга етмаганларнинг таълим-тарбияси, ижтимоий ҳимояси, соғлиғини сақлаш, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш борасида амалий ишлар тизимли равишда рўёбга чиқарилмоқда. Болаларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, ўсмирлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш тизимини мустаҳкамлаш, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялаш борасидаги масъулиятини ошириш мақсадида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг кескин даражада камайиши кузатилмоқда.

Кейинги йилларда айнан шундай масалаларни қамраб олган, жумладан, вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ кўплаб қонунлар қабул қилинди. 2010 йил 29 сентябрда қабул қилинган "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги қонун вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларини профилактика қилиш тизимидаги идоралар ва муассасаларнинг ўзларига юклатилган вазифаларни бажариш юзасидан масъулиятини тубдан ошириш, болаларнинг ғайриижтимоий хулқ-атворини эрта аниқлаш ва бартараф этиш борасидаги тадбирлар самарадорлигини яхшилаш учун ҳуқуқий замин яратди.

(Давоми иккинчи бетда)

Yangi qonun mohiyati

Оила ва вояга етмаганлар ҳимояси

бу борадаги ҳуқуқий асослар янада такомиллаштирилди

Мамлакатимизда "Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор", деган инсонпарвар тамойилдан келиб чиққан ҳолда, жамиятнинг асосий бўғини бўлмиш оила институтини янада мустаҳкамлаш, оилаларни, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, жисмонан соғлом, маънан етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини ошириш мақсадида кенг кўламли аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, одил судлов тамойилларини ривожлантириш, судда иш юритишни ва кўриб чиқишни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ислоҳотларнинг муҳим йўналишига айланди.

Жорий йилнинг 1 май куни матбуотда эълон қилинган **"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги қонун ҳам айни юқорида таъкидланган муҳим жиҳатларни қамраб олган.

Мазкур қонун 48 та моддадан иборат бўлиб, у билан амалдаги 8 та кодекс ва 36 та қонунга, шунингдек, Олий Мажлиснинг қарори билан тасдиқланган 1 та Низомга ва Олий Мажлиснинг 1 та қарорига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Маълумки, Конституциямизнинг 63-моддасига кўра, оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади.

Оилани мустаҳкамлашга қаратилган мазкур конституциявий меъёрни ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш мақсадида ўтган йиллар мобайнида бир қатор зарур ташкилий чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, 1998 йилда Оила кодекси қабул қилинди, давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 18 майдаги **"Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Фармони билан ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтиришга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, бугунги кунда янада такомиллашган тарзда амалга оширилмоқда. Шунингдек, 2012 йил "Мустаҳкам оила йили", деб эълон қилиниб, махсус Давлат дастури асосида бир қатор ташкилий ишлар амалга оширилди.

Жамиятимизнинг маънавий негизлари, азалий миллий қадриятларимиздан келиб чиқиб, никоҳланувчи шахсларнинг жисмоний ва маънавий етук, моддий жиҳатдан мустақил бўлишига имконият яратиш мақсадида Оила кодексида никоҳ ёши эркаклар учун 18 ёш, аёллар учун 17 ёш этиб, узрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра, никоҳ ёши кўпи билан бир йилга камайтирилиши қатъий белгиланган.

Шунга қарамай, айрим ҳолатларда белгиланган никоҳ ёшига етмаган шахсларнинг эрта оила қуриши кузатилмоқда.

(Давоми учинчи бетда)

Xabar

Олий суд Пленуми мажлиси

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Олий суд судьялари, жиноят ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раислари, парламент аъзолари, ҳуқуқшунос олимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Б.Мустафоев бошқарган йиғилишда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш йўлида босқичма-босқич амалга оширилаётган барча ислоҳотлар халқимизнинг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилаётгани таъкидланди. Бу жараёнда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун билан қўриқланадиган бошқа манфаатларини янада самаралироқ муҳофаза қилишга катта аҳамият берилмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

Корея Республикаси Олий суди делегациясининг учрашувлари

Мамлакатимизга ташриф буюрган Корея Республикаси Олий суди раиси Янг Син Тэ раҳбарлигидаги делегация аъзолари 27 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Бўритош Мустафоев билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Корея Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик кўплаб йўналишлар каби суд-ҳуқуқ тизимида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йилнинг сентябрь ойида Корея Республикасига амалга оширган давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқаларни янги мазмун билан бойитиб, ҳамкорликни янада юқори босқичга олиб чиқди.

(Давоми иккинчи бетда)

Фуқароларнинг мерос ҳуқуқи кафолатлари конституциявий асосда мустаҳкамланган. Буни амалда тўлиқ рўёбга чиқариш борасида фуқаролик қонунчилигида ушбу масалага кенг ўрин берилган. Жумладан, мерос ҳуқуқи, унинг очилиши, уни ҳимоя қилиш, мерос олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар, мерос таркиби ва уларни сақлаш, бошқариш, қўриқлаш ва тасарруф қилиш, унинг меросхўрларга ўтиш тартиби ва шартларини белгилаб берувчи ҳуқуқий меъёрлар Фуқаролик кодексида ўз ифодасини топган.

Mezon

Мерос ҳуқуқи

қонун билан кафолатланган

Қонунчиликка мувофиқ, вафот этган мулк эгасидан мулк ва мулкий ҳуқуқ мажбуриятлари ҳаёт бўлган меросхўрларга ўтади. Мерос қолдирувчининг мулкини васият ёки қонун бўйича мерос сифатида оладиган шахс меросхўр ҳисобланади.

(Давоми учинчи бетда)

Fuqarolik qonunchiligi

Сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш

у қандай тартибда амалга оширилади?

Мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, энг аввало, инсоннинг ҳаёти, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлашга қаратилган. Жамиятда қонун устуворлигига эришиш, суд ҳокимиятининг нуфузини мустаҳкамлаш ҳамда судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳам бу жараённинг узвий бир қисми ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар янада чуқурлаштирилди.

Айтиш жоизки, инсон ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тўлиқ ҳимоя қилиш билан бир қаторда суд ишларини ўз вақтида ва самарали юритиш масалалари ҳам долзарб аҳамиятга эга. Бу суд ишларини кўриш тартиблари қанчалик соддалаштирилганига ҳам боғлиқ. Шу маънода айрим фуқаролик ишларини ўзига хос моддий-ҳуқуқий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқишнинг янги процессуал тартиблари жорий этилди.

(Давоми иккинчи бетда)

Xabar

Олий суд Пленуми мажлиси

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бюджет ва солиқ соҳаларининг ҳуқуқий асослари такомиллаштириб борилмоқда. Жаҳон тажрибаси ва солиққа тортишнинг амалда синовдан ўтган ёндашув ва тамойилларини ўрганиш асосида янги таҳрирда қабул қилинган Солиқ кодекси солиқ солиш масалаларини тартибга солувчи барча меъёр ва қоидаларни мужассамлаштирган ҳужжат сифатида амалиётда катта қулайликлар яратмоқда. 2008 йил 1 январдан кучга кирган мазкур кодексда солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари кенгайтирилиши билан бирга солиқ солишнинг мажбурийлиги, аниқлиги, адолатлилиги, ягоналиги тамойиллари, шунингдек, солиқ тўловчининг ҳақлиги презумпцияси принципи ўз ифодасини топган.

Бундан ташқари 2012 йил 25 декабрда Ўзбекистон Республикасининг "Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2013 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги, шунингдек, солиқ ҳисоботини тақдим этиш даврийлиги қисқартирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ҳамда 2012 йил 29 декабрда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунлари қабул қилиниб, солиқ қонунчилиги янада такомиллаштирилди.

Йиғилишда муҳокама этилган "Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарликка оид қонунчиликнинг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида"ги Олий суд Пленуми қарори лойиҳаси солиқ қонунчилигига киритилган юқоридаги каби ўзгартиш ва қўшимчаларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилди.

Қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлаш - ҳар бир фуқаронинг конституциявий бурчи. Бироқ амалда жисмоний ва юридик шахслар томонидан солиқдан бўйин товлаш, солиқ қонунчилигини бузиш ҳолатлари учраб туради. Хусусан, тадбиркорлик субъектларида ўтказилган текширишлар натижасида солиқдан бўйин товлаш ҳолатлари баробарида солиқ солинадиган базани аниқлаш ва белгиланган солиқларни ундиришда бир қатор камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилгани маълум бўлган. Бундай ҳолатларга барҳам бериш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларда тадбиркорлар ва солиқ идоралари ходимларининг солиқ қонунчилигига риоя этишдаги масъулиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шундан келиб чиқиб, бу борада суриштирув, дастлабки тергов органлари ва судларга тегишли тушунтиришлар бериш мақсадида суд амалиёти умумлаштирилиб, олимлар ва амалиётчилар, давлат идоралари вакиллари фикр-мулоҳазалари асосида Пленум қарори лойиҳаси янада такомиллаштирилди.

Мажлисда "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг жиноят ишлари бўйича айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги масала ҳам муҳокама этилди.

Кўриб чиқилган масалалар қонунларни амалда бир хилда қўллаш, ягона суд амалиётини шакллантириш, одил судлов сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Пленумда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров иштирок этди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

Корея Республикаси Олий суди делегациясининг учрашувлари

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий судидаги учрашувда алоҳида қайд этилганидек, давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш, жиноят, жиноят-процессуал қонунчилигини либераллаштириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўла ҳимоя қилинишини таъминловчи мустақил суд ҳокимиятини шакллантириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бераётир.

Қабул қилинаётган янги қонунларнинг мазмун-моҳиятини тўғри англаш учун соҳа мутахассислари малакасини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида мутахассислар алмашинуви йўлга қўйилган.

Корея Республикаси Олий суди раиси Ўзбекистонда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

— Ташриф асносида Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш, одил судловни амалга ошириш ва адолатни қарор топтириш борасида изчил олиб борилаётган ислоҳотларнинг юксак самаралари билан танишиш имконига эга бўлдик, — деди Янг Син Тэ. — Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, истиқболда ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, мунтазам тажриба алмашиб туришдан манфаатдормиз.

Музокарада икки мамлакат суд идоралари ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, алоқаларни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш ҳамда тажриба алмашишни ривожлантиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Шу куни Корея Республикаси Олий суди раиси раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасида ҳам музокаралар ўтказди.

Корея Республикаси Олий суди делегацияси Мустақиллик майдонида бўлиб, бу ерда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишди.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎзА мухбири

1-iyun — Xalqaro bolalarni himoya qilish kuni

Ҳар бир бола меҳр ва ардоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Чунки унда вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарлигини профилактика қилиш тизимидаги идоралар ва муассасалар, уларнинг асосий вазифалари, фаолият принциплари ва йўналишлари ҳамда ваколатлари аниқ белгилаб берилди.

2010 йил май ойида вояга етмаганлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга қаратилган "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонун ҳам болаларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, уларни миллий қадриятлар ва анъаналарга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасидаги тадбирлар самарадорлигини янада оширишга қаратилган. Зеро, бугунги кунда фарзандларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи долзарб аҳамиятга эга. Сир эмаски, ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда миллий ўзлигимиз, азалий қадриятларимизга ёт хуруҳлар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғаразли интилишлар тобора кучайиб бораётир. Бунда замонавий ахборот технологиялари, хусусан, интернетдан ғаразли мақсадлар йўлида фойдаланилаётгани сир эмас. Шуларни ҳисобга олиб, вояга етмаганларнинг тунги вақтда ота-онасидан бири ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг кузатувисиз интернет-кафеларда, кўнгил очиш ёки дам олиш жойларида бўлишига йўл қўймасликка оид меъёр белгиланди.

Вояга етмаганларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, ёшларнинг бандлиги, ижтимоий ҳимояси каби масалаларнинг ижобий ҳал этилиши кўплаб муаммолар ечимига йўл очади. Шу мақсадда юртимизда "Куч — билим ва тафаккурда" шиори остида тўгараклар кўргазмаси ташкил этиш анъанага айланган. Айни пайтда мамлакатимизда олти юзга яқин мактабдан ташқари таълим муассасаси ташкил этилган бўлиб, уларда хорижий тилларни ўрганиш, ҳунарлар сирларини эгаллаш, техникавий ижодкорлик билан шуғулланиш каби соҳаларга оид тўгаракларда 550 минг нафарга яқин ўқувчи қатнашмоқда. Уч юздан зиёд мусиқа ва санъат мактабида қирқ минг нафардан зиёд фарзандларимиз таҳсил олмоқда. Тўрт юздан зиёд болалар ва ўсмирлар спорт мактабларига минглаб болалар жалб этилган.

Шу кунларда юртимизда "Ҳар бир болага меҳр, эътибор!" шиори остида махсус ҳафталик бўлиб ўтмоқда. Болалар форуми доирасида "Sen yolg'iz emassan" Республика жамоатчилик болалар жамғармаси ва Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида юртимиздаги барча умумтаълим мактабларида "Биргаликда обод турмуш ва обод Ватан барпо этамиз" мавзуида иншолар танлови ўтказилди. Унда 4,5 минг нафардан ортиқ 7-8-синф ўқувчилари иштирок этди.

Ҳар йили мамлакатимизда болаларни соғломлаштириш мавсуми 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунидан бошланади. Давлатимиз томонидан бу масалага доимий эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Чунки таътилни мазмунли ўтказиш ўқувчилар саломатлигини янада мустаҳкамлаш, янги ўқув йилида фанларни пухта ўзлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 март куни қабул қилинган "Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мазкур йўналишдаги ишларда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Ўқувчиларга жами мингта — 210 стационар, 790 кундузги оромгоҳ хизмат кўрсатади. Мавсум давомида бу масканларда 270 минг 350 нафардан кўпроқ ўғил-қиз ўз соғлиқларини тиклаб олишади. Бу кўрсаткич аввалги йилларда дам олган болалар сонига нисбатан 10 минг нафар кўп демакдир.

"Обод турмуш йили" Давлат дастури доирасида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан 4,5 минг нафар бола Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти, шунингдек, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларининг сўлим масканларида ҳордиқ чиқаради.

Республика оромгоҳларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича 2013 йилга мўлжалланган манзилли дастурга кўра, реконструкция қилиниб, капитал таъмирланган 35 та оромгоҳ болаларни ўз бағрига олади.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашидан маълум қилишларича, болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш мавсумига пухта тайёргарлик кўрилган. Оромгоҳларда ўғил-қизларнинг мазмунли ҳордиқ чиқариши, саломатлигини мустаҳкамлаши, овқатланиши ва яшаши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Бу борадаги ишларни назорат қилиш бўйича Мувофиқлаштирувчи гуруҳ томонидан дам олиш масканларидаги маиший, коммунал, транспорт ва тиббий хизматлар, санитария-гигиена ҳолатининг талаб даражасида бўлишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу йилги ёзги дам олиш мавсумининг ўзига хос жиҳати — ўнга яқин ижтимоий мослашув оромгоҳи фаолият бошлайди. Уларда имконияти чекланган болаларни дам олдириш билан бирга, уларнинг жамиятга мослашуви, тиббий, психологик, педагогик реабилитацияси, ижодий-интеллектуал савиясини юксалтиришга кўмаклашилади. Бундан ташқари 1,5 минг нафар бола Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси тасарруфидаги санаторийларда оналари билан бирга соғломлаштириш тадбирларида иштирок этади.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ва бошқа бир қатор ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ёзги дам олиш оромгоҳлари, мактаблар қошидаги мавсумий дам олиш масканлари учун "Ёз — 2013" деб номланган махсус иш режаси ишлаб чиқилган. Режага кўра, ёзги оромгоҳларда Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган маърифий анжуманлар, олимлар, маънавият тарғиботчилари, ёзувчи ва шоирлар, спорт, маданият ва санъат намояндалари иштирокида учрашувлар, турли мусобақа ва танловлар ўтказилади.

Расмлар кўрик-танлови, китобхонлик байрамлари, бадиий ижодиёт ва компьютер саводхонлиги тўгараклари ўғил-қизларнинг маънавиятини юксалтириш, турли фанлар бўйича билимини бойитишга хизмат қилади. Турли спорт мусобақалари, оромгоҳлараро чемпионатлар болаларни янада чиниқтириб, уларда қатъият, ирода, ҳамжиҳатлик каби фазилатларни шакллантиради. Табиат қўйнига уюштириладиган саёҳатлар эса, ёш авлод онгу шуурида жаннатмонанд Ватанимиздан фахрланиш, она замин неъматларини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ғояларини қарор топтиради.

Дам олиш масканларидаги маънавий-тарбиявий жараёнларни юксак савияда йўлга қўйиш мақсадида бу ерда ишлаш истагини билдирган педагоглар, спорт мураббийлари, етакчиларнинг билими, иш тажрибаси, изланувчанлиги ва ташаббускорлиги, тиббий ҳолати махсус кўрикдан ўтказилди.

Хулоса қилиб айтганда, юртимизда ҳар бир бола меҳр ва эътиборда бўлиб, уларнинг ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб вояга етиши йўлида барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилган. Булардан унумли фойдаланаётган фарзандларимиз келгусида Ватанимизнинг муносиб ворислари бўлиб вояга етишиши муқаррар.

Матлуба МИРЗААБДУЛЛАЕВА,
ҳуқуқшунос

Qonun ko`magi

Фуқаролар манфаатлари муҳафазада

бу борада адлия идоралари изчил фаолият юритмоқда

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамиятини барпо этишдан кўзланган асосий мақсад — ҳар бир шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ таъминлашдан иборатдир. Жамиятимизнинг барча соҳаларида изчиллик билан олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар замирида ҳам ана шу эзгу мақсад мужассам.

Айниқса, бу борада амалдаги қонунларнинг ижроси тўлиқ таъминланаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўз навбатида, инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг конституциявий кафолатларини таъминлаш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, хусусан, адлия идоралари томонидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилаётир.

Хусусан, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари бузилишини бартараф этиш ва унинг олдини олиш борасида тизимли фаолият олиб борилмоқда. Масалан, 2013 йил 4 апрель куни Олтинкўл туманида истиқомат қилувчи Акрамжон Эргашев Олтинкўл тумани "Янги чек" маҳалла фуқаролар йиғини раиси лавозимидан ноқонуний озод этилганлигини билдириб, Сурхондарё вилояти адлия бошқармасига ариза билан мурожаат қилган.

Ушбу мурожаатни ўрганиш чоғида унда келтирилган важлар ўз тасдиғини топди. Аниқланишича, А.Эргашев Олтинкўл туманидаги "Жалабек" қишлоқ фуқаролар йиғини раисининг буйруғига асосан 3 ой синов муддати билан "Янги чек" маҳалла фуқаролар йиғини раиси лавозимига тайинланган. Гарчанд синов муддати тугаган бўлсада, А. Эргашев "Жалабек" қишлоқ фуқаролар йиғини вакилларининг навбатдан ташқари йиғилишининг қарори асосида эгаллаб турган лавозимидан озод этилган. Мазкур ҳолатда меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш чоғида Меҳнат кодексининг тегишли моддаларига риоя қилинмаган. Пировардида адлия бошқармаси томонидан вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига киритилган таклифга асосан А. Эргашевни ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруқ бекор қилиниб, у "Янги чек" маҳалла фуқаролар йиғини раиси лавозимига тикланди.

Айтиш жоизки, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида давлат идоралари, хусусан, судлар билан ўзаро ҳамкорлик ижобий самара бераётир. Мисол учун Бухоро туманида яшовчи фуқаро М.Нуриддинова "Умид" кредит уюшмасидан шартнома асосида омонатга қўйилган маблағларини қайтариб ололмаётгани юзасидан вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилган. Мурожаат ўрганиб чиқилиб, натижаси юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Бухоро шаҳар судига даъво аризаси киритилди. Мазкур суднинг ҳал қилув қарорига асосан "Умид" кредит уюшмасидан М.Нуриддинова фойдасига 11 миллион сўм миқдоридаги омонат пули қайтарилишига эришилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, адлия идоралари фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида зарур қонуний чораларни амалга ошириб келмоқда. Бу нафақат фуқаролар манфаатлари муҳофазасига, балки жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга ҳам хизмат қилмоқда.

Тоҳир САИДБОБОЕВ,
Адлия вазирлиги Ахборот хизмати раҳбари

Fuqarolik qonunchiligi

Сиртдан ҳал қилув

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

1997 йил 30 августда қабул қилинган Фуқаролик процессуал кодексида фуқаролар ва ташкилотларнинг бузилган ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмини белгиловчи меъёрлар мустаҳкамлаб қўйилди.

Фуқаролик процессуал қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари давом эттирилиб, фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқини амалга ошириш учун қўшимча қулайликлар яратилди. Сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш тартиби жорий этилгани бунинг амалий ифодасидир.

Амалиётда аксарият ҳолларда жавобгарларнинг суд мажлисига келмаслиги ишларни кўриш муддатларига ўзининг таъсирини кўрсатибгина қолмай, судга мурожаат қилган тарафларнинг, яъни даъвогарларнинг турли хил эътирозларига ҳам сабаб бўлади. Процессуал қонунчиликка киритилган ушбу тартиб эса, ишларни мазмунан кўришда судга мурожаат қилган шахслар томонидан тақдим этилган далиллар ва қўйилган талаб доирасида ҳал этиш имкониятини яратиб берди. Яъни Фуқаролик процессуал кодексининг 224-моддасида, суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган жавобгар суд мажлисига келмаган тақдирда, даъвогар эътироз билдирмаса, иш сиртдан иш юритиш тартибида кўрилиши мумкинлиги белгиланган.

Албатта, ишларни сиртдан иш юритиш тартибида кўриш учун қатор шартлар мавжуд бўлиши талаб этилади. Жумладан, фуқаролик ишини бундай тартибда кўриш учун, биринчидан, даъвогар ишни жавобгарнинг иштирокисиз кўришга рози бўлса ва эътироз билдирмаса, яъни бошланган суд мажлисида фақатгина Фуқаролик процессуал кодексининг 224-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган барча асослар мавжуд бўлган тақдирдагина сиртдан иш юритилиши мумкин.

Бундан ташқари ишни сиртдан иш юритиш тартибида кўриш учун иккинчи асос — жавобгарнинг хабардор қилинганлиги ҳақидаги маълумот бўлиши шарт. Ушбу асослар мавжуд бўлгандагина суд ишни сиртдан иш юритиш тартибида кўриш учун ажрим чиқаради ва иш сиртдан иш юритиш тартибида кўрилади.

Иш сиртдан иш юритиш тартибида кўрилганда суд ишда мавжуд бўлган далилларни текшириш билан кифояланади. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг важ ва илтимосларини эътиборга олиб, сиртдан ҳал қилув қарори чиқаради. Иш бундай тартибда кўрилганда даъвонинг асоси ёки предмети ўзгартирилиши ёки даъво талабларининг миқдори кўпайтирилиши мумкин эмас.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2011 йилда фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судлари томонидан сиртдан иш юритиш тартибида 51 минг 618 та, 2012 йилда эса 3 минг 907 та иш кўрилган бўлиб, буларнинг барчаси — фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ўз вақтида ҳамда бирмунча соддалаштирилган тартибда суд орқали ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг амалдаги самараси ҳисобланади.

Масалан, даъвогар Э.Аҳмедов жавобгарлар С.Акбаров, С.Умироваларга нисбатан тураржойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган, деб топиш ва тураржойдан кўчириш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судининг 2013 йил 20 февралдаги сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаблари қаноатлантирилган. Мазкур иш Фуқаролик процессуал кодексининг 224-моддасига асосан сиртдан иш юритиш тартибида кўрилган. Чунки жавобгарлар суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақида тегишли тартибда огоҳлантирилган бўлса-да, суд мажлисига келмаган ва келмаганлик сабабини маълум қилмаган.

Yangi qonun mohiyati

Оила ва вояга етмаганлар ҳимояси

бу борадаги ҳуқуқий асослар янада такомиллаштирилди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бундай ҳолатларга барҳам бериш ва унга қарши курашишни кучайтириш мақсадида юқорида таъкидланган қонуннинг 10, 11-моддалари билан Жиноят кодекси (125[1]-модда билан) ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс (47[3]-модда билан) "Никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш" номли янги модда билан тўлдирилди.

Унга кўра, никоҳ ёшига етмаган шахс билан оила қурган шахслар, дастлаб Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга янги киритилган 47[3]-модданинг биринчи қисми билан маъмурий жавобгарликка тортилиши, шундай қилмиш маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, Жиноят кодексига янги киритилган 125[1]-модданинг биринчи қисми билан жиноий жавобгарликка тортилиши белгилаб қўйилди. Масалан, 19 ёшга кирган йигит 16 ёшга кирмаган қиз билан оила қурса, йигитнинг ҳаракатлари дастлаб маъмурий жавобгарликка, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин эса, жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, эрта турмуш қуриш она ва боланинг соғлиғига путур етказиш хавфини оширади. Биргина, 2011 йилнинг ўзида эрта қурилган никоҳдан 30 дан ортиқ ногирон ва бошқа жисмоний нуқсони бўлган болалар туғилганлиги ҳам ушбу масаланинг нақадар жиддий эканлигини кўрсатади.

Бундан ташқари баъзи ҳолларда қизлар ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг талаби билан эрта турмушга узатиб юборилмоқда. Шу боис ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга берганлик ёки уйлантирганлик учун, дастлаб Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга янги киритилган 47[3]-модданинг иккинчи қисми билан маъмурий жавобгарликка тортилиши, маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг шундай қилмиш такроран содир этилган бўлса, Жиноят кодексига янги киритилган 125[1]-модданинг иккинчи қисми билан жиноий жавобгарликка тортилиши белгиланди. Масалан, ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахс 17 ёшга кирмаган ўғлини уйлантирса ёки 16 ёшга кирмаган қизини эрга берса, уларнинг ҳаракатлари дастлаб маъмурий жавобгарликка, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг эса, жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Ҳаётда баъзан никоҳ ёшига тўлмаган қизлар билан ФҲДЁ органларидан рўйхатдан ўтмасдан, диний расм-русумларга биноан никоҳ маросимини ўтказиш ҳоллари ҳам учраб туради.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга оширганлик учун дастлаб Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга янги киритилган 47[3]-модданинг учинчи қисми билан маъмурий жавобгарликка тортилиши, маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг шундай қилмиш содир этилган бўлса, Жиноят кодексига янги киритилган 125[1]-модданинг учинчи қисми билан жиноий жавобгарликка тортилиши белгиланди.

Таъкидлаш жоизки, эрта никоҳдан ўтгани учун жавобгарликнинг белгиланиши халқаро стандартларга ҳам мувофиқ келади. Хусусан, "Аёлларга нисбатан камситишларга барҳам бериш тўғрисида"ги Декларациянинг 6-моддасида давлатлар болаларнинг никоҳлари ва қизларнинг жинсий балоғатга етмай туриб унаштирилиши тақиқланиши ва энг кам никоҳ ёшини аниқлаш мақсадида қонуний чоралар, шу жумладан, қонунчилик чоралари кўриш лозимлиги кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, Никоҳланишга розилик, никоҳ ёши ва никоҳларни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Конвенциянинг 2-моддасига мувофиқ белгиланган ёшга етмаган шахс билан никоҳ тузишга йўл қўйилмайди, ваколатли ҳокимият органи никоҳланувчи томонларнинг манфаатлари йўлида бу қоидага жиддий сабабларга кўра, истисно қилишга рухсат берадиган ҳоллар бундан мустасно, деб белгилаб қўйилган.

Маълумки, судлар фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш суд тизимини такомиллаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 2 августдаги **"Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармони ва унинг ижросини таъминлашга оид Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 декабрдаги **"Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"** қарорининг қабул қилиниши айнан мазкур йўналишни тизимли ривожлантиришни янги босқичга кўтарди.

Шунингдек, Президентимизнинг 2012 йил 18 июлдаги **"Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармони 2-иловасининг 33-бандида хўжалик судлари фаолиятига электрон ҳужжат айланишини киритиш, хўжалик судларига мурожаат этишда мурожаат ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар хўжалик судига ахборот тизими орқали электрон тарзда юборилиши ва олиниши мумкинлигини назарда тутувчи аниқ меъёрларнинг Хўжалик процессуал кодексига киритилиши белгиланган эди.

Қонуннинг 23-моддаси билан мазкур йўналишда Хўжалик процессуал кодексининг йигирма бешга яқин моддаларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Унга кўра, мурожаат ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар хўжалик судига ахборот тизими орқали электрон тарзда юборилиши, ариза ёки даъво аризасида мурожаат этувчиларнинг электрон манзиллари кўрсатилиши белгилаб қўйилди.

Ўз навбатида, хўжалик судининг ҳал қилув қарори, хўжалик суди алоҳида ҳужжат тариқасида ажрим чиқарган ҳолларда, ажрим, апелляция инстанциясининг қарори, кассация шикояти (протести) иш юритишга қабул қилингани тўғрисидаги ажрим, кассация инстанцияси судининг қарори, шунингдек, суд ҳужжатининг ижроси билан боғлиқ тегишли ҳужжатлар ҳам шахсларга электрон манзиллари мавжуд бўлган тақдирда ахборот тизими орқали электрон тарзда юборилиши белгиланди.

Бу эса, судларда иш юритиш самарадорлигини оширишни таъминлайдиган замонавий ахборот тизимларини яратиш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига кўрсатиладиган интерактив хизматларни кенгайтириш, энг муҳими, ривожланган давлатларда кенг ҳамда самарали қўлланилаётган "электрон одил судлов" институтини шакллантиришга хизмат қилади.

Бундан ташқари янги қабул қилинган қонуннинг 26-моддаси билан Оила кодексининг ўн бешдан ортиқ моддаларига қуйидаги мазмундаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди:

биринчи, Оила кодексининг 15-моддасига кўра, узрли сабаблар бўлганда, алоҳида ҳолларда никоҳ ёши кўпи билан бир йилга камайтирилиши мумкинлиги белгиланган эди. Бироқ мазкур моддада "узрли сабаблар, алоҳида ҳоллар" аниқ баён этилмаганлиги боис, мазкур ҳолатларни турлича шарҳлаш мумкин эди. Бундай ноаниқликнинг олдини олиш мақсадида, ушбу моддага қўшимча киритилиб, уларнинг аниқ рўйхати берилди, яъни "узрли сабаблар, алоҳида ҳоллар" бу — ҳомиладорлик, бола туғилиши, вояга етмаган шахснинг тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши (эмансипация) каби учта ҳолат аниқ белгилаб қўйилди;

иккинчи, Оила кодексининг 107-моддасига кўра, вояга етмаган болани отасидан олиб, уни болалар тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги ҳал қилув қарорини чиқаришда суд ота ва онанинг ҳар биридан мазкур муассаса фойдасига ушбу кодекснинг 99-моддасида белгиланган миқдорларда алимент ундирилиши белгиланган эди. Мазкур янги қонун билан ушбу моддага қўшимча киритилиб, унга кўра, юқоридаги ҳолатда алиментлар муассаса фойдасига эмас, балки айнан боланинг фойдасига ундирилиши, яъни бунда ундирилган алиментлар мазкур бола номига очилган банк ҳисобварағида жамланиши ва у вояга етганда тўланиши мустаҳкамлаб қўйилди.

Бу билан болалар тарбия муассасасини тамомлаган вояга етган битирувчи ўзининг янги ҳаётини бошлаши учун маълум миқдордаги шахсий маблағга эга бўлиши кафолатланди;

учинчи, Оила кодексининг 151-моддасига кўра, фарзандликка олиш болани фарзандликка олишни истаган шахсларнинг аризаси ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи тавсиясига кўра, туман, шаҳар ҳокими қарори билан амалга оширилиши белгиланган эди. Мазкур янги қонун билан ушбу моддага ўзгартиш киритилиб, бундай ваколат туман, шаҳар ҳокимидан судга ўтказилди.

Шунингдек, мазкур жараёнда васийлик ва ҳомийлик органининг ҳам масъулияти оширилди, яъни илгари фарзандликка олиш васийлик ва ҳомийлик органи тавсиясига кўра, амалга оширилган бўлса, эндиликда васийлик ва ҳомийлик органларининг фарзандликка олишнинг асослилиги ва фарзандликка олинаётган бола манфаатларига тўғри келиши ҳақидаги хулосаси ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан амалга оширилиши белгиланди.

Фарзандликка олиш тўғрисидаги ишлар фарзандликка олувчилар (олувчи), васийлик ва ҳомийлик органлари вакиллари, шунингдек, прокурор иштирокида суд томонидан кўриб чиқилиши қатъий белгилаб қўйилди. Бу билан фарзандликка олинаётган боланинг манфаатларини тўлиқ ҳимоя қиладиган, барча шарт-шароитларни яхши биладиган масъул давлат органларининг бевосита иштироки таъминланган тарзда амалга оширилиши мустаҳкамлаб қўйилди.

Шунингдек, илгари фарзандликка олиш учун боланинг розилиги фақат васийлик ва ҳомийлик органи томонидан аниқланар эди. Эндиликда, васийлик ва ҳомийлик органи билан бирга суд томонидан ҳам аниқланиши белгиланди. Энг муҳими, суднинг фарзандликка олиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори чиқарилгунига қадар бола фарзандликка олинишга берган розилигини қайтариб олишга ҳақли, деган меъёр белгиланди.

Маълумки, болани фарзандликка олиш учун фарзандликка олинаётган боланинг ота-онасини розилиги талаб этилади. Муқаддам ота-онанинг болани фарзандликка олинишига розилиги ёзма шаклда баён этилиши талаб этиларди. Бу меъёрга ҳам ўзгартиш киритилиб, эндиликда ота-онанинг болани фарзандликка олинишига розилиги нотариал тартибда тасдиқланган ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола жойлашган муассаса раҳбари томонидан тасдиқланган ёки фарзандликка олиш амалга оширилаётган жойдаги ёхуд ота-она яшаб турган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органи томонидан тасдиқланган аризада баён этилган бўлиши керак.

Айтиш керакки, фарзандликка олиш тартибини такомиллаштиришга оид янги қоидалар инсон ҳуқуқлари, хусусан, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид халқаро стандартларга, масалан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пакт қоидаларига ҳамда БМТнинг Вояга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритишга доир минимал стандарт қоидаларига ("Пекин қоидалари") тўлиқ мос келади. Шунингдек, хорижий давлатлар, жумладан, Англия, Германия, Италия, Испания, АҚШ, Россия Федерацияси, Украина, Болгарияда фарзандликка олиш ҳақидаги ишлар судлар ёки махсус судлар (масалан, вояга етмаганлар ишлари бўйича судлар ёки васийлик судлари) томонидан кўриб чиқилади ва бу ҳақдаги қарор судлар томонидан қабул қилинади. Уларда ҳам васийлик ва ҳомийлик органларининг фарзандликка олишнинг асослилиги ва бола манфаатларига тўғри келиши ҳақидаги хулоса талаб этилиши белгилаб қўйилган.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш жоизки, юқоридаги ўзгартиш ва қўшимчалар биринчидан, оила институтини янада мустаҳкамлаш, ёш авлоднинг баркамол ривожланишини таъминлаш, эрта никоҳларнинг олдини олишга, иккинчидан, хўжалик судларида иш юритишни сифат жиҳатидан яхшилаш орқали хўжалик юритувчи субъектларнинг мурожаатларини сифатли ва оқилона муддатларда кўриб чиқилишини таъминлашга ҳамда уларга бир қатор қулайликлар яратишга, учинчидан, фарзандликка олиш тартибини янада такомиллаштириш орқали фарзандликка олинаётганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлашга хизмат қилади.

Нодир МУХТОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи, юридик фанлар номзоди

Mezon

Мерос ҳуқуқи

қонун билан кафолатланган

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Агар васиятномада қонун бўйича меросхўрлар меросдан маҳрум қилиниши ҳақида ёзилган бўлса, улар қонун бўйича ҳам мерос олмайди. Бундай ҳолда мулк эгасиз, деб топилади ва давлат тасарруфига ўтказилади. Меросга эгалик қилиш тўғрисидаги гувоҳнома Фуқаролик кодексининг 1146-моддасига кўра, мерос очилган кундан эътиборан олти ой ўтганидан сўнг берилади.

Фуқаролик кодексининг 1150-моддасига кўра, меросни қабул қилиб олган қонун бўйича меросхўрлардан исталган бири меросни тақсимланишини талаб қилишга ҳақли. Меросни тақсимлаш меросхўрларнинг келишувига кўра, ўзларига тегишли улушларга мувофиқ, келишувга эришилмаган тақдирда эса, суд тартибида амалга оширилади.

Олий суд Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги **"Судлар томонидан мерос ҳуқуқига оид қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисида"**ги қарори мавжуд бўлиб, унда мерос билан боғлиқ низоларни судда кўриш бўйича тегишли тушунтиришлар берилган.

Маълумки, суд амалиётида мерос билан боғлиқ низолар талайгина. Мисол учун марҳум У.Шералиевдан қолган мерос мулкни тақсимлашда унинг қариндошлари ўзаро келиша олмайди. Шу сабабли даъвогарлар Дилфуза Шералиева, Марина Шералиева, Екатерина Шералиеванинг жавобгар Чамангул Тўраевага нисбатан умумий мулкдаги улушларни ажратиш, турмушлари давомида орттирилган умумий мулкни бўлиш, меросдаги улушларни белгилаш ва меросни бўлиш тўғрисида даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Аниқланишича, Улуғбек Шералиев 2010 йил 19 мартда вафот этган. У Марина Шералиева билан 1988 йил 26 мартда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурган. Турмушлари давомида 1989 йилда Екатерина ва 1990 йилда Дилфуза исмли фарзандлари туғилган.

Улар қонуний никоҳдан суднинг ҳал қилув қарорига кўра, 2009 йил 4 февралда ажрашишган. Шундан сўнг марҳум 2009 йил 23 сентябрда Ч.Тўраева билан қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурган ва ўрталарида 2010 йилда Асалгул исмли фарзанди туғилган.

Марҳум У.Шералиев даъвогар М.Шералиева билан қонуний никоҳлари давомида совутгич, музлатгич, гиламлар, печка, сервант, кир ювиш машинаси ва "ВАЗ-2106" русумли енгил автомашинага эга бўлган.

Суднинг ҳал қилув қарори билан даъвогарларнинг даъво талаблари қисман қаноатлантирилиб, квартира ва бошқа мулклар меросхўрлар ўртасида тегишли тартибда тақсимлаб берилган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, ҳар қандай ҳолатда ҳам меросхўрлар ўртасида вужудга келган меросни тақсимлаш борасидаги низоларни қонуний тартибда ҳал қилиш суднинг вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу амалда фуқаролар манфаатига хизмат қилади ва ўз навбатида, жамиятда қонун устуворлигини таъминлайди.

А.МУРОДОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилояти судининг судьяси

Muloqot

Газетхон савол беради...

— Айтинг-чи, қонунда мактаб ўқувчиларини уяли телефондан фойдаланишини чекловчи меъёрлар борми?

У.САФАРОВ,
Шеробод тумани

— Ҳа бор. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 21 майдаги "Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида мобил телефонлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида"ги қарори ва ушбу қарорга қўшимча равишда Низом қабул қилинди. Унга кўра, мактаб ўқувчилари учун мобил телефондан фойдаланишни чекловчи меъёр жорий этилди. Ушбу меъёр барча таълим муассасаларининг талабалари ва ходимларига нисбатан тадбиқ қилинади. Унга кўра, ушбу шахслар таълим муассасаларига кириб келишда ўз телефонларини овозсиз режимга ўтказиши, ўқув машғулоти ва тадбирлар бошланишидан олдин телефонини портфел, сумка ва шу кабиларга солиб қўйиши шарт.

— Айтинг-чи, алимент тўловчи шахс агар иш жойини ўзгартирса, бу ҳақида у неча кун ичида хабар бериши керак?

О.ШЕРҚУЛОВ,
Чуст тумани

— Сизнинг бу саволингизга жавобан шуни айтиш керакки, Оила кодексининг 138-моддасида алимент тўловчининг иш, ўқиш жойи ва турар жойи ўзгарганлиги ҳақида хабар қилиш мажбурияти ҳақида сўз юритилади. Суднинг ҳал қилув қарори ёки алимент тўлаш тўғрисидаги нотариал тартибда тасдиқланган келишув бўйича алимент ушлаб қолиши лозим бўлган иш берувчи (ташкилот маъмурияти) алимент тўловчи шахс билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақида, шунингдек, унинг янги иш, ўқиш жойи ёки турар жойи унга маълум бўлса, бу ҳақда суднинг ҳал қилув қарори ижро этиладиган жойдаги суд ижрочисига ёки алимент олувчи шахсга уч кун муддат ичида хабар бериши шарт.

Алимент тўлаши шарт бўлган шахс ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган муддатда ўз иш, ўқиш жойи ёки тураржойи ўзгарганлиги ҳақида, шунингдек, қўшимча иш ҳақи ёки бошқа даромади тўғрисида суд ижрочисини ҳамда алимент олувчи шахсни хабардор қилиши шарт.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган маълумотларни белгиланган муддатда узрсиз сабабларга кўра, хабар қилмаган тақдирда, айбдор мансабдор шахс ва алимент тўловчи шахс қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Саволларга юридик фанлар номзоди С.НИЁЗОВА жавоб берди.

Қарори чиқариш

у қандай тартибда амалга оширилади?

Бундан ташқари суднинг мазкур чақирув қоғозлари жавобгарларга тегишли тартибда топширилганлиги ҳақида судда маълумот мавжуд бўлгани ва даъвогар ишни жавобгарларнинг иштирокисиз кўрилишига эътироз билдирмагани сабабли суд ишни сиртдан иш юритиш тартибида кўриш ҳақида ажрим чиқарган. Иш жавобгарнинг иштирокисиз кўрилиб, суд томонидан сиртдан ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Туманлараро суднинг сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорига нисбатан жавобгар томонидан 15 кунлик муддат ичида шикоят келтирилмаган бўлса-да, кассация тартибида шикоят берилган. Мазкур шикоят фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг кассация инстанцияси томонидан 2013 йил 19 апрелда кўрилиб, фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судининг 2013 йил 20 февралдаги сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Амалдаги қонунчиликка биноан иш бўйича сиртдан ҳал қилув қарори қабул қилинганида суд мажлисига келмаган тарафга сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорининг нусхаси шу қарор чиқарилган кундан эътиборан беш кундан кечиктирилмай юборилади. Қарордан норози бўлган тараф ҳал қилув қарорини сиртдан чиқарган судга ўн беш кун ичида уни қайта кўриш ҳақида ариза беришга ҳақли бўлиб, мазкур ариза апелляция ёки кассация инстанцияси суди томонидан эмас, балки бевосита ишни кўрган суд томонидан кўриб чиқилади.

Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қилиш асослари Фуқаролик процессуал кодексининг 234-моддасида кўрсатилган бўлиб, унга кўра, тараф, яъни жавобгар суд мажлисига узрли сабабларга кўра кела олмаганлигини ва бу ҳақда судни ўз вақтида хабардор қилиш имкониятига эга бўлмаганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиши; иккинчидан, у қабул қилинган ҳал қилув қарорининг мазмунига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган далилларни тақдим қилиши лозим.

Жумладан, Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар туманлараро судларида 2011 йилда жавобгарларнинг аризасига асосан 671 та сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори бекор қилинган бўлса, 2012 йилга келиб, бу кўрсаткич 567 тани ташкил этган. Сиртдан чиқарилган ва бекор қилинган ҳал қилув қарорлари сонининг камайишига асосан жавобгарлар томонидан сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорининг мазмунига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган далилларни тақдим этмаганликлари сабаб бўлган.

Масалан, даъвогар М.Агаев жавобгар С.Давроновга нисбатан 10 миллион сўм миқдоридаги қарз суммасини ундириш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган. Фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 2013 йил 10 мартдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаби қаноатлантирилган. Туманлараро суднинг сиртдан чиқарган ҳал қилув қарорига нисбатан жавобгар С.Давронов томонидан 15 кунлик муддат ичида шикоят келтирилган. Суд мазкур шикоятни кўриб чиқиб, 2013 йил 30 мартдаги ажрими билан жавобгарнинг аризасини рад этган. Чунки жавобгар суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақида тегишли тартибда огоҳлантирилган ҳамда сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорининг мазмунига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган далилларни судга тақдим қилмаган.

Хулоса ўрнида айтганда, миллий процессуал қонунчилигимизда сиртдан иш юритиш тартибини жорий этилиши суд ишларининг ўз вақтида, турли сансоларликсиз ҳал этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари тез фурсатларда ҳимоя қилинишига хизмат қилмоқда.

Азамат БОЙМУРОДОВ,
Олий суд судьяси

Saboq

Атроф-муҳит муҳофазаси

бунга ҳар биримиз масъулмиз

Мамлакатимизда табиатни асраб-авайлаш, атроф-муҳитни мусаффо сақлашга устувор аҳамият бериб келинмоқда. Бош қомусимиз — Конституциямизда фуқаролар атроф-табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурлиги, мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги шартлиги, ер, ерости бойликлари, сув, наботот ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойлик эканлиги, улардан оқилона фойдаланиш зарурлиги белгилаб қўйилган.



Айтиш керакки, мустақиллик йилларида мамлакатимиз биргина экология ва атроф-муҳит масалаларига оид қатор халқаро ҳужжатларга қўшилди. Жумладан, Иқлим ўзгариши бўйича доиравий конвенция, Озон қатламини ҳимоя қилиш бўйича Вена конвенцияси, Чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш бўйича конвенция, Биологик хилмахиллик тўғрисидаги конвенция, Йўқолиб кетиш хавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турлари билан халқаро савдо қилиш тўғрисидаги конвенция, Бутунжаҳон маданий ва табиий меросни муҳофаза қилиш тўғрисида конвенция, Трансчегаравий очиқ сув оқимлари ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича конвенция шулар жумласидандир.

Мамлакатимизда табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган муносабатлар бир қатор қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Хусусан, "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида", "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида", "Ерости бойликлари тўғрисида", "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида", "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида", "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди.

Булардан ташқари Фуқаролик, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Жиноят ва Солиқ кодексларида, қолаверса, иқтисодиёт тармоқлари ҳамда ижтимоий соҳага оид норматив ҳужжатларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, аҳоли саломатлигини ҳимоялаш ҳамда экологик хавфсизликни таъминлашнинг ҳуқуқий меъёрлари акс эттирилган. Жумладан, Жиноят кодексининг тўртинчи бўлимида экология соҳасидаги жиноятлар учун жиноий жавобгарлик, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг саккизинчи бобида табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик белгилаб қўйилган.

Афсуски, ҳамма ҳам табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунлар моҳиятини бирдек тушуниб етмаганлигини қуйидаги мисолда кўришимиз мумкин. 2011 йил 18 август куни йўл патруль хизмати инспектори томонидан "Дамас" русумли автомашина тўхтатилиб, унинг салони кўздан кечирилганда, у ерда ҳеч қандай ҳужжатсиз ёввойи тўнғиз гўшти ва "Қизил китоб"га киритилган айиқ гўшти борлиги аниқланган. Маълум бўлишича, Яккабоғ туманидаги "Тошқўрғон" ўрмон бўлимида ишловчи Улуғбек Салоҳитдинов ўз мансаб ваколатидан қасддан фойдаланиб, ўзига бириктирилган ов қуроли ёрдамида қонун билан қўриқланадиган бу ҳайвонларни отиб ўлдириб, уларнинг гўштларини ўз эҳтиёжларига ишлатмоқчи бўлган.

Унинг бу қилмиши учун жиноят ишлари бўйича Яккабоғ тумани суди томонидан тегишли жазо тайинланди.

Албатта, атроф-муҳитга, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига нисбатан салбий муносабатда бўлиш жиноий жавобгарликни келтириб чиқаришини унутмаслик лозим.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, Она табиатни асраш, атроф-муҳитга зарар етказмаслик ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир. Зеро, биз табиат инъомларидан қанчалик оқилона фойдалансак, атроф-муҳит шунчалик тоза ва озода, осмонимиз мусаффо бўлади.

Абдуқаюм МАҲКАМОВ,
жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти судининг раиси

G'aroyib olam

Табиат яратган энг буюк неъматлардан бири бу — сув. Сув бор жойда яшиллик, ободлик, тириклик, гўзаллик бўлади. Дарҳақиқат, бу дунёда серсув сойлар, дарёлар аввало тоғлардан, ўрмонлардан бошланади. Айниқса, тоғлардаги виқор билан кўкка бўй чўзган арчалар ўзида сувни йиғади, тозалайди, сўнг жилғалар, булоқлар орқали дарёларга узатади.

Хўш, бу жараён қандай тарзда юз беради?

Маълумки, табиатда арча жой танламайди, у қоялар устида ҳам, жарликлар ёнбағирларида ҳам, сойлар ёқасида ҳам бирдай ўсаверади. Тоғларда метиндек қояларда ёки тошларни ёриб ўсиб турган арчаларни кўплаб учратиш мумкин.

Биз билган ва билмаган дунё

АРЧА БАҒРИДАГИ БУЛОҚ

Айтиш керакки, арчанинг бақувват илдизи ер қаърига 30-40 метргача кириб боради, ҳатто тош қатламларини ҳам ёриб ўтади. Энг муҳими, тоғда арчалар қорнинг бирдан эриб, сувга айланишига йўл қўймайди, соядаги қор ва музлар эса, буғланмайди ҳамда узоқ вақт оз-оздан эриб сойларга қуйилиб туради. Арчанинг ўзи эса, қурғоқчиликка чидамли бўлиб, унинг игнабарглари сувни кам буғлантиради. Қолаверса, ўрмон ҳам қуриган шох-шаббалар, ўтлар тўшамаси билан қалин қопланган бўлади. Бу ўзига хос тўшама эса, ўз навбатида, қор, ёмғир сувларини ўзига сингдириб олиб, сўнг тупроққа ва ерости манбаларига узатади.

Ёз кунларининг бирида тоғда саёҳат қилиб юриб, рўпарамиздан чиққан ғорга қизиқсиниб, кириб кўрдик. Кун иссиқ, адл қоматли арчалар тўкис ўсиб ётган тепада на қор, на кўлмак бўлмаса-да, ғор шифтидан сув узлуксиз томчилаб турибди. Оёқ остида чуқур кўлмакчалар ҳосил бўлган. Ғорнинг тош деворига қулоқ тутсангиз, ер қаъринг алақаерида оқаётган сувнинг гулдираган товуши эшитилади. Ташқарида, ғорнинг пастида ўнга яқин булоқдан бир ариқ сув сойга қуйилаяпти. Бу манзарани кузатиб туриб, чиндан ҳам, арчалар қиш ва баҳорда ерга сингдирган сувлар энди оқиб чиқаётганига яна бир карра ишонч ҳосил қиласиз.

Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, ўрмон гўё ўзига хос катта сув омбори бўлиб, қиш бўйи йиғилган қор, ёмғир сувини бир меъёрда оқишини таъминловчи манба ҳисобланади. Бойсун туманидаги Гуматаксой, Мачайдарё ва бошқа серсув сойларда саратонда ҳам сувнинг доимо бир хилда оқиб туриши арчазорлар туфайлидир. Айтиш керакки, табиатнинг бу ноёб ўсимлигининг одамларга, халқ хўжалигига келтирадиган фойдаси фақат бу билан кифояланмайди. Арчалар сув тошқини ва ер кўчишининг ҳам олдини олади. Тоғда қиш бўйи қор ёғиши турган гап. Баъзан қор қалин тушганда паст бўйли арчалар ҳам кўмилиб қолади. Баҳорда кун исиши билан қор ва музлар эрий бошлайди. Бунинг устига дўл ёки қаттиқ ёмғир ёғса, сув нечоғли кўпайишини тасаввур қилиш қийин эмас. Сел тупроқни аёвсиз емириб, лой ва тош аралаш шиддатли оқимлар ҳосил қилиб, катта куч билан пастга оқади ва дуч келган ҳамма нарсани оқизиб, талофат етказиши мумкин. Бундай фалокатнинг олдини оладиган куч битта. У ҳам бўлса, арчалардир.

Арча танаси шунчалик чидамли ва эгилувчанки, тоғдан юмалаб тушадиган тошлар ёки қор кўчкиси келиб урилганда ҳам уни синдира олмайди. Шу боис арчали ерда сел ва ер кўчиши қарийб содир бўлмайди. Шу ўринда яна бир мисол. Тоғ қишлоқларининг бирида аҳоли яқин атрофдаги арчазорни узоқ йиллар мобайнида секин-секин кесиб, йўқотади. Тепалик яланғочланиб қолади. Баҳор кунларининг бирида ёққан қаттиқ жала тепаликни ювиб, ўпира бошлайди ва шиддат билан шағал аралаш лойқа селга айланиб қишлоққа бостириб келади. Қишлоқ одамлари уйларидан қочиб чиқадилар. Шундагина одамлар тепаликдаги арчазорни йўқотиб катта хато қилганини англаб етадилар. Зеро, донолар ҳам, инсон табиатни асраса, табиат инсонни асрайди, деб бежиз айтишмаган.

Очил ТОШҚУЛОВ,
журналист

Maslahat

Хизмат тураржойи

у кимларга берилади?

Аввало шуни айтиш керакки, Уй-жой кодексининг 75-моддасига асосан, хусусий, муниципал, идоравий уй-жой фонди ёки аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларида жойлашган, ўз меҳнат муносабатлари хусусиятига кўра, иш жойига бевосита яқин ерда яшаши керак бўлган фуқаролар кўчиб киришига мўлжалланган тураржойлар хизмат тураржойлари деб ҳисобланади.

Сайлаб қўйиладиган лавозимларни эгаллаб турган, меҳнат шартномалари бўйича ишлаётган шахсларга, ҳарбий хизматчиларнинг айрим тоифаларига, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган рўйхатдаги бошқа шахсларга бериладиган тураржойларни ҳам хизмат тураржойларига киритиш мумкин.

Белгиланган тартибда оилавий болалар уйи ташкил этилганда тарбиясига олинган болалар билан биргаликда яшаши учун тарбиячи-ота-она этиб тайинланган фуқароларга хизмат уйи ёки хизмат квартираси берилади.

Хизмат тураржойлари меҳнат шартномасининг амал қилиш муддатига ёки хизмат даврига, сайлаб қўйиладиган лавозим муддати тугагунга қадар берилади.

Хизмат тураржойларини бериш тартиби, шунингдек, уларни олиш ҳуқуқига эга бўлган ходимлар тоифаси рўйхати Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Qonun barchaga barobar

Кредит – тадбиркорга берилган имкониятдир

фақат уни ўз вақтида қайтариш зарур

Мамлакатимизда тадбиркорлар сафи йилдан-йилга кенгайиб бораётгани билан бирга улар томонидан жаҳон бозорида рақобатбардош бўлган янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, экспорт қилинаётгани иқтисодиётимиз ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Зеро, юртимизда тадбиркорлик фаолиятининг кафолатлари ва эркинлигини таъминлаш, уларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг соддалаштирилган механизмини жорий этилиши соҳани янада ривожлантириш имконини бермоқда. Энг муҳими, банклардан қисқа ва узоқ муддатли кредит маблағларининг ажратилаётгани тадбиркорлик фаолияти учун янгидан-янги имкониятлар эшигини очаётир.

Яратилаётган имконият ва қулайликлардан оқилона фойдаланиб жамиятимиз равнақига ҳисса қўшаётган тадбиркорлар кўпчиликни ташкил этади. Шу билан бирга, зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис этмайдиган тадбиркорлар ҳам учраб туради.

Яқинда ана шундай қарздорлик масаласи билан боғлиқ даъво аризаси судда муҳокама этилиб, унга ҳуқуқий баҳо берилди.

Гап шундаки, Ғузор туманидаги "Серқуёш-Сарбон" хусусий фирмаси раҳбари Шаҳодат Латиповага қурилиш материаллари, тўйхона жиҳозлари ҳамда ускуналар сотиб олиш учун ТИФ Миллий банкининг Қашқадарё вилояти бўлими томонидан 2008 йил 22 августдаги кредит шартномасига асосан, 5 йил муддатга 20 фоиз миқдорида устама тўлаш шарти билан 80 миллион сўм кредит маблағи ажратилган. Шунингдек, 2008 йил 25 августда Ғузор тумани Давлат нотариал идорасида хусусий фирма раҳбари томонидан олинган кредитни қайтариш мақсадида 66-рақам билан имзоланган реестр қайд этилган. Ипотека шартномасига кўра, "Серқуёш-Сарбон" хусусий фирмаси раҳбари Ш.Латиповага тегишли бўлган Ғузор тумани ҳудудида жойлашган 1586,92 кв. метр 4 хонадан иборат тўйхона, шунингдек, Ш.Латиповининг яқинлари Камолиддин Муродовга тегишли "ГАЗ-52", Гулбаҳор Қобиловага тегишли бўлган "Нексия", Шавкат Қобиловга тегишли бўлган "Дамас" русумли автоуловлар гаровга қўйилган.



Дастлаб хусусий фирма оёққа туриб олгач, асосий кредит ва қўшимча устама фоизлар ўз вақтида тўлаб келинган. Аммо кейинчалик фирма раҳбари Ш.Латипова қарздорлик масъулиятини унутиб қўяди. Натижада банк мутасаддилари кредит маблағ ҳисобидаги асосий қарз ҳамда унга қўшиб тўланиши лозим бўлган фоизларни талаб қилиб, бир неча марта оғзаки ва ёзма равишда огоҳлантиришига қарамай Ш.Латипова ва қўшимча жавобгарлар турли баҳоналарни рўкач қилиб, катта миқдордаги қарздорлик тўловини тўлашни пайсалга солиб келишган. Шундан сўнг ТИФ Миллий банкининг Қашқадарё вилояти бўлими ишни қонуний кўриб чиқиш учун судга даъво аризаси билан мурожаат этди.

Маълумки, Фуқаролик кодексининг 279-моддасида "Гаровга олувчининг (кредиторнинг) талабларини қондириш учун ундирувни қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятни ўзи жавобгар бўлган вазиятларда бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда гаровга қўйилган молмулкка қаратиш мумкин", деб кўрсатилган.

Шунга асосан, суд даъвогар ТИФ Миллий банкнинг Қашқадарё вилоят бўлими даъво талабларини қисман қаноатлантирган ҳолда жавобгар "Серқуёш-Сарбон" хусусий фирмаси ҳамда қўшимча жавобгарларга нисбатан кредит шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш билан бирга кредит фоизидан 22 миллион 942 минг 228 сўм, асосий кредитдан 20 миллион сўм ҳамда 8 миллион 588 минг 446 сўм давлат божини ундиришни лозим топди. Шу билан бирга суд ҳайъати қарздорликни ундиришни жавобгар томонидан гаровга қўйилиб, тарафлар томонидан 70 миллион сўмга баҳоланган "Серқуёш-Сарбон" тўйхона биносига ҳамда қўшимча жавобгарлар К.Муродовга тегишли "Газ-52", Г.Қобиловага тегишли "Нексия", Ш.Қобиловга тегишли "Дамас" русумли автоуловларга нисбатан қаратилиши хусусида ҳал қилув қарори чиқарди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир тадбиркор халқ фаровонлигини таъминлашни фаолиятининг асосий йўналиши деб билиб, амалдаги қонунлар доирасида ташаббус билан фаолият кўрсатсагина у ўзининг кўзлаган мақсадига албатта, эришади.

Шавкат ҲАМДАМОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Ғузор туманлараро судининг раиси
Абдунаби БОБОЁРОВ,
"Куч-адолатда" мухбири

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ
Шерали РАҲМОНОВ
Боқижон ЯҲЁЕВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Арислон УСМАНОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ
Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-616. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 6893.
1 2 4 5 Топшириш вақти: 21⁰⁰ Топширилди: 21³⁰